

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 12-aprel, shanba № 28 (15770)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2014 йил 11 апрель куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар ялпи мажлисининг иккинчи кунини **Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини** муҳокама қилишдан бошладилар. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2013 йилдаги фаолияти Давлат раҳбари томонидан 2013 йил 18 январда бўлиб ўтган, 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида белгилаб берилган вазифалар асосида амалга оширилганлиги қайд этилди. Ҳисобот йилида Ҳисоб палатаси томонидан мамлакатнинг турли вазирликлари ва идораларида 43 та йўналиш бўйича 252 та объектда назорат тадбирлари ўтказилди.

Бюджет қонунчилигига мувофиқ Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш устидан республика миқёсида ҳам, маҳаллий кўламда ҳам тизимли назорат ташкил этилди, бюджет маблағларидан фойдаланишнинг қонунийлиги, самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги текширилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари фондларининг Давлат бюджетига жамланадиган маблағлари тўлиқ шакллантирилиши, мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан узлуксиз назорат амалга ошириб борилди. Амалга оширилган ишлар натижасида ҳисобот йилида давлат ёки ҳўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларига етказилган етмиш миллиард сўмдан кўпроқ зарарнинг ўрни қопланишига эришилди.

Масалани муҳокама қилиш жараёнида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг назорат тадбирларини кучайтириш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш, молиявий ҳуқуқбузарликларни қисқартириш ва келгусида уларнинг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўришга қаратилган ўз тақлиф ва тавсияларини билдирдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси раисининг ҳисоботини** муҳокама қилиш вақтида кўрсатиб ўтилганидек, **Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг 2013 йилдаги фаолияти** атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини таъминлашга, мамлакатимизда экологик вазиятни соғломлаштиришга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 29 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги Қарорини амалга ошириш мақсадида қабул қилинган тадбирлар дастурига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан ушбу дастурнинг 14 та асосий йўналиши бўйича 48 та тадбирнинг бажарилиши таъминланди. 2013-2017 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракат дастурини, шунингдек, унинг асосида қабул қилинган ҳудудий дастурларни рўйбга чиқаришга алоҳида эътибор берилди.

(Давоми 2-саҳифада)



Рустам Назарматов олган суратлар

Yoshlar festivali davom etadi

## НАВҚИРОНЛИК ТАНТАНАСИ

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Биз буюк юрт фарзандларимиз» шиори остида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ёшлар фестивали пойтахтимиз ёшларини ягона мақсад атрофида бирлаштирди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарори юртимизда ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодасидир. Мазкур қарор мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотлари олдида янги-янги вазифаларни қўйди. Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, «Камолот» ЁИХ ташаббуси билан қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ҳар йили анъанавий равишда ўтказиб келинаётган

«Биз буюк юрт фарзандларимиз» шиори остидаги республика ёшлар фестивалига бу йил пойтахтимизда старт берилди.

### ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВЛАР

«Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар кенгаши, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан фестиваль доирасидаги тарғибот тадбирларида таниқли театр ва кино актёрлари, халқимизнинг севимли ёзувчи ва шоирлари, ёш тадбиркорлар, эстрада хонандалари ва машҳур спортчиларнинг уч кун давомида ёшлар билан учрашувлари ташкил этилди. Тадбирлар

йигирма учта касб-хунар коллежи ва ўн учта академик лицей, йигирма битта умумтаълим мактаби ўқувчилари, бир неча меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида ташкил этилди. Фестиваль дастуридан жой олган бир-бирини тақдорламайдиган, қизиқарли, мазмун ва шакл жиҳатидан ҳам ранг-баранг лойиҳалар ёшларга ўз ижоди, қобилияти ва маҳоратини тўла намойён этиш, долзарб мавзулар юзасидан фикр алмашиш, мулоқотлар вақтида тақлиф ва мулоҳазаларини билдириш имконини берди. «Замонамиз қаҳрамонлари», «Сиз севган қаҳрамонлар» ижодий учрашувлари, «Оммавий маданият» ва ёшлар маънавияти тарғибот лойиҳаси, «Биз соғлом турмуш тарафдоримиз» шиори остидаги спорт мусобақалари ёшлар қалбига байрамона кайфиятни олиб кирди.

(Давоми 5-саҳифада)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЁН ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми, аввали  
1-саҳифада)

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг бажарилиши натижасида мамлакатнинг санот-корхоналарида атмосферага ифлослантувчи моддаларни чиқариб ташлаш анча миқдорда – 111,6 тоннага қисқартирилди. Мамлакат минтақаларидаги ижтимоий аҳамиятга молик объектларда қайта тикланган энергия манбаларини жорий этиш борасида аниқ мақсадли ишлар олиб борилмоқда. Чунончи, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Хоразм, Самарқанд, Сирдарё ва Бухоро вилоятларининг бир қатор ижтимоий аҳамиятли объектларида қуёш фотоэлектрик станцияларини тайёрлаш, монтаж қилиш ва ўрнатиш бўйича тайёргарлик ишлари тугалланди.

Ҳисоботни муҳокама қилиш асносида сенаторлар Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар дастурларини рўёбга чиқариш борасидаги ишининг самарадорлигини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилонга фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан таъсирчан экологик назорат ўрнатиш бўйича қўшимча чоралар кўриш юзасидан аниқ таклиф ва тавсияларни баён этдилар.

Сенаторлар **Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2013 йилда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза**

**қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятидаги қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотини** тингладилар. Ўтган даврда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалар фаолиятида қонунийликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, қонун ижодкорлигини янада такомиллаштириш, жамиятда ҳуқуқий онгни ва ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича муайян ишлар қилинганлиги кўрсатиб ўтилди.

Айрим давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторинг қилиб бориш доирасида вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралари томонидан тақдим этилган мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертиза қилинган. Идоравий норма ижодкорлиги соҳасида вазирлик ва идораларнинг 403 та ҳужжати давлат рўйхатидан ўтган.

Бунда мониторинг асносида аниқланган қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш бош бошқармаси томонидан 18 та давлат тузилмаси тизимида 16 та мониторинг текшируви ўтказилиб, уларнинг натижалари бўйича давлат тузилмалари фаолиятида қонун ҳужжатлари

талабларига риоя этилишини таъминлаш юзасидан аниқ чоралар кўрилган.

Аниқланган камчиликлар бўйича адлия органлари томонидан қоидабузарликларни, шунингдек, уларнинг содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шароитларни бартараф этишга, жамиятда қонуннинг, қонунийликнинг устунлигини қарор топтиришга қаратилган 957 та таъсир кўрсатиш чораси кўрилган. Манфатдор вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларига идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган камчиликларни тўлдирган ҳамда зиддиятларни бартараф этишга қаратилган 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш таклиф қилинган, уларнинг норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш бўйича аниқ чоралар амалга оширилган.

Муҳокама жараёнида сенаторлар давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятида қонунийликка риоя этилиши устидан тизимли назоратни кучайтириш, шунингдек, давлат бошқаруви органларининг норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича ишларни ташкил этиш юзасидан бир қатор тавсиялар ва таклифларни билдирдилар.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш масалаларини, шунингдек, Олий Мажлис Сенати ваколатларига қарадиган бошқа

масалаларни кўриб чиқдилар.

Кўриб чиқилган ҳамма масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сенатнинг икки кунлик мажлисида 16 та масала, шу жумладан, 7 та қонун кўриб чиқилди. Демократик ислохотларни босқичма-босқич ва изчил чуқурлаштириб бориш, давлат ҳокимияти тизимини модернизациялаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ишида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги ҳамда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилинганлиги гоят муҳим аҳамиятга эга. Сенат томонидан кўриб чиқилган ва маъқулланган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, янги таҳрирдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларни ва бошқа қонун ҳужжатларини рўёбга чиқариш бозор ислохотларини, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатимизда хавфсизликни, барқарорликни ва фаровонликни таъминлашнинг муҳим омили бўлади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қ А Р О Р И**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1.Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин:

Раҳат Аминбаевич **Исмаилов**  
Гулнора Ахатовна **Парпиева**  
Шухрат Эсанбаевич **Ражабов**  
Хасан Сунатиллаевич **Эгамбердиев**.

2.Азамат Хожамуратович **Баймуратов** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.

3.Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров**

Тошкент шаҳри,  
2014 йил 11 апрель

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қ А Р О Р И**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1.Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьялари этиб сайлансин:

Шухрат Тагаймуратович **Полванов**  
Муйдинжон Мухторович **Салимов**  
Амирхон Солиҳ ўғли **Сидиқов**  
Махмуд Уразбоевич **Эшимбетов**.

2.Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров**

Тошкент шаҳри,  
2014 йил 11 апрель



## НАВБАТ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА

*Бугун юртимизда болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган спорт мусобақаларининг ичида «Камолот» шахмат тахтаси мусобақасининг ўрни жуда катта. Унда минг-минглаб иқтидорли ўқувчилар иштирок этади.*

Яқинда мазкур мусобақанинг барча ҳудудий босқичлари бўлиб ўтди. Жумладан, Тошкент шаҳар босқичи ҳам ўтказилиб, унда йигирма мингдан зиёд ёш шахматчилар 6-8, 9-11, 12-14, 15-16, 17-19 ёш тоифаларида голиблик учун дона суришди.

Улардан 220 нафари туман босқичида қатнашди ҳамда 110 нафа-

ри кейинги босқичда иштирок этиш учун саралаб олинди. Пойтахтнинг турли туманларидан ёш спортчилар Мирзо Улуғбек туманидаги Экологик боғда тўпланишди.

Экобоғнинг «Катта шаҳарнинг янги нафаси ва бутун оила учун соғлом ҳордиқ!» шиорига мос равишда ўтказилган ушбу мусобақа ўсиб келаётган ёш авлоднинг на-

фақат жисмонан, балки ҳам руҳан, ҳам ақлан камол топишида муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Юқори кайфият ва кизиқиш билан иштирок этган ўқувчиларнинг ўн нафари турнирнинг республика босқичида қатнашиш учун саралаб олинди. Голиблар олтин, кумуш, бронза медаллар ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланишди. Энг кучлилар шу ойнанинг охирида Хоразм вилоятида бўладиган республика босқичида голиблик учун курашишади.

**Кумушбиби ЭРМАМАНОВА, ЎзДЖТУ талабаси**

«Kamolot» shaxmat taxtasi

# КАШФ ЭТИЛГАН ВА ЭТИЛМАГАН СИНОАТЛАР

12 апрель — одамзот фазога кўтарилган кун. Ҳа, инсоният илм-фан тараққиётида улкан чўққиларни забт этди. Муайян бир фаннинг ривожланиши ва ижобий натижаларга эришиши учун бошқа фан ютуқлари ва имкониятларидан ҳам фойдаланиш техника-технологиялар асрининг талаби бўлиб қолди. Космологик синовлар, тадқиқотлар учун биология фани ютуқларидан кенг фойдаланиш инсониятнинг ойга илк қадам қўйишидан илгари рўй берган.

Космик биология — космик кенгликда тирик организмларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш; инсоннинг космосни ўзлаштиришдаги муаммоларини ҳал этиш, энг аввало, вазнсизлик ҳолатида тирик организмнинг мослашувчанлиги, ҳаётчанликни таъмин этувчи тизимларни чуқурроқ тадқиқ этиш, радиацион ҳимоя чораларини излаб топиш кабиларни ўрганишни ўз ичига олади.

Биз кўйида биология ва унинг космонавтика билан боғлиқ томонларини ёритишга ҳамда қизиқарли маълумотларни келтиришга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, Лайка ва Белка лақабли кучукчалар илк марта космосга учирилган ва парвоз омадли якун топган. 1963 йил 18 октябрда эса французлар Феликс лақабли мушукнинг миясига махсус электрод ўрнатиб, ракета бортига жойлаштиришди ва парвозга тайёрлашди. У 200 километр баландликкача кўтарилди ва омон-эсон ерга қайтиб тушди. Аммо ушбу парвоз натижаси ҳеч нимани ойдинлаштирмади. Уч йилдан сўнг хитойликлар ҳам бортига кучук юклатилган ракетани учирди. 1970 йилда «Космос» («Бион») сунъий йўлдоши ичига «Жонли бурчак» жойлаштирилди. Узоқ муддат давомидаги вазнсизлик ва космик радиация ҳолатида инсон организмда рўй бериши мум-

кин бўлган реакцияларни текшириш мақсадида, энг аввало, ушбу жонли бурчак жониворларидан фойдаланишга қарор қилинди. Бундан ташқари, қизиқарли тажрибалар амалга оширилдики, яъни ўргимчак вазнсизлик ҳолатида ўз инини тўқий оладими, асалари вазнсизликда ўз уясини ясайдики ёки йўқ, балиқ фазода қайси йўналишда, қандай сузади ва ҳоказо.

Космосни тадқиқ этиш жараёнидаги вужудга келган муаммоларни ҳал этишда ҳайвонлардан фойдаланишдан кўра, олимлар микроорганизмлардан фойдаланиш кўпроқ натижаларни беради, деб ҳисоблашди. Шу туфайли 1960 йил 19 августда илк марта турли микроорганизмлар билан таъминланган фазовий кема самога парвоз қилди ва шу кун космик микробиологияга ҳам асос солинган кун, деб ҳисобланади.

Космологик тадқиқотларда микроорганизмлардан фойдаланиш, юксак ривожланган организмлардан фойдаланишга қараганда анча қулайликлар туғдиради. Чунки микроорганизмлар жуда кичик ўлчамда бўлиб, космик омиллар (радиация, тебраниш, вазнсизлик)ни олис масофада қисқа муддат ичида фақат улардагина кузатиш анчайин осон ва қулайдир. Микроорганизмлар жуда тез кўпаяди, кўпчилиги бир кеча-

кундузда 72 тагача авлод ҳосил қилади. Микроорганизмларни сайёрамизнинг исталган нуқтасидан топиш мумкин, чунки уларнинг споралари кўплай ноқулай шароитлардан ҳимоя қилади. Улар вакуум шароитига, курф-оқчиликка, узоқ муддат қайнатишга чидамли бўлади. Термофиль бактериялар мана шундай, юқори ҳароратда яшаб, бемалол кўпаядиган микроорганизмлар сирасига киради.

Микроорганизмларни космосга олиб чиқишда бир неча муаммолар кўндаланг туради, яъни улар қуёшнинг ультрабинафша нурлари таъсирида тезда нобуд бўлади. Аммо микроорганизмларнинг спораларини космик чанглар бўлакчалари орасига жойлаштириш таклифини олимлар аллақачон илгари суришган. Бунда заррача бўлакчаси спорани ҳимоя этувчи асос сифатида хизмат қилади. Яъни микроорганизм спораларини жуда майда минерал зарралар билан аралаштириб, қуёш нурларидан ҳимоя қилиш мумкин. Эркин кислород споралар учун керак эмас, чунки улар анаэроб (кислородсиз муҳитда ўсувчи) бўлиб ҳисобланади.

Узоқ давом этувчи фазовий тадқиқотларда космонавтларни тайёр маҳсулот ва сув билан таъминлашнинг имкони йўқ. Масалан, инсоннинг Марсга етиб бориши, қайтиш учун қулай вақтни кутиши ва Ерга қайтиб келиши учун уч йил керак бўлар экан. Шунинг учун биологлар олдида турган асосий масала — космик кема кабинасида узлуксиз берк ҳалқа тизимли «Ер шароити»ни барпо этиш. Бундай тизимда кабина ҳавосининг биологик регенерациясини амалга ошириш им-

конияти бўлади. Микроорганизмлар, ўсимлик ва, ҳатто ҳайвонлардан фойдаланилиб, кўплай ёпиқ, узлуксиз тизим намуналарини яратиш мумкин.

Бундай ёпиқ ҳалқа тизимларни яратишда сувўтларнинг аҳамияти беқиёс. Масалан, бир ҳужайрали сув ўти бўлмиш хлореллада фотосинтез жараёни жуда жадаллик билан боради. Хлорелла инсон истеъмоли учун, таркибида аминокислоталар, липидлар, углеводлар, витаминлар, минерал тузларни сақловчи қимматбахо маҳсулот ҳосил қилади. Унинг яна шундай ажойиб хусусиятларидан бири, жуда тез кўпая олишидир. Ҳосилдорликни бир суткада, бир квадрат майдонда 4 килограммгача бериши мумкин. Икки килограмм хлорелла хомашё массаси бир кеча-кундузда бир инсонни кислород билан таъминлашга етади. Аммо озиқ-овқат сифатида эса бир суткада бир инсон учун унинг 4 килограмми зўрға етади, холос. Шу туфайли, ҳозирги кунда олимлар унинг фотосинтез жараёни иштирокида маҳсулдорлигини ошириш борасидаги илмий излашларни олиб боришмоқда.

Космик кема бортида узлуксиз ёпиқ экологик тизимни яратиш бир мунча мураккаб. Унинг мураккаблиги шундаки, у кўплай қисмлардан ташкил топган бўлади. Олимларнинг таъкидлашларича, ёпиқ системада ҳайвонлар (дафния, қўён, эчки ва бошқалар) бўлиши керак. Буни ташкиллаштириш эса янада мураккаб. Космик кемада мутлақ ёпиқ экологик тизимни ташкил этишга эришиш натижасида инсон ўзга сайёраларга уюштирилаётган узоқ муддатли саёҳатларини бемалол амалга ошириш имкониятига эга бўлади. Яқин келажакда бунга эришилса, ажаб эмас.

**Сабоҳат ТОШПҮЛТОВА,**  
**Ўзбекистон Фанлар академияси**  
**Геномика ва биоинформатика**  
**маркази тадқиқотчиси**

## Yosh olimlar uchun imkoniyat

Ўзбекистон Миллий университетида «XXI аср — интеллектуал авлод асри» мавзuida ёш олимларнинг илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда олимлар, профессор-ўқитувчилар, ёш тадқиқотчилар ҳамда Ҳаракат фаоллари қатнашди, йиғилганларга турли соҳаларга оид ўзларининг илмий изланишларини тақдим этишди.

— Бугунги илмлар оламига саёҳат қизиқарли, мазмунли ўтмоқда. Ҳар бир илмий маъруза қатнашчиларда катта таассурот уйғотаётир, — дейди Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети декани Алишер Мўминов. — Улар биргаликда ўз интилишлари натижасида имкон қадар илмий муаммоларнинг ечимини топмоқда, маърузаларни ўзаро муҳокама қилишяпти. Умид қиламизки, бу уларнинг келгуси изланишларига янада тутки беради.

Конференцияда университетнинг фалсафа факультети магистранти Бунёд Маматжусупов фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ахлоқий жиҳатлари мавзuida тақдимот қилди, катта илмий ходим-изланувчи Сабоҳат Калонова эса «Авлод — социологик категория сифатида» мавзuida илмий изланишини асослаб берди.

— Дарсда, ўз курсдошларимиз қаршисида гапириш, билимимизни намоён этиш бошқа, мана бундай конференцияда, устозлар ҳузурда маъруза қилиш бошқа экан, мен бугун ўзим учун жуда кўп тажриба олдим, — дейди университетнинг фалсафа факультети магистранти Фазлиддин Яқубов. — Конференциядаги ижодий, илмий ҳамкорлик муҳити ўзимга ишончимни оширди.

Илмий-амалий анжуманда қатнашган ёш тадқиқотчи-олимларнинг маърузалари тўплам ҳолида чоп этиладиган бўлди.

**Кумар БЕГНИЯЗОВА,**  
**«Turkiston» мухбири**

# ИЛМИЙ КАДРЛАР УЧУН МУСТАҲКАМ АСОС

**Юртимизда иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш ҳамда илмий кадрлар салоҳиятини ошириш устувор масала ҳисобланади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўтказган матбуот анжуманида тизимда бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот берилди.**

Тадбирда вазирликнинг масъул ходимлари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, истиқболли тадқиқотлар қилаётган талаба ва магистрантлар, ёш олимлар қатнашди.

Республикамизда талабалар бакалавр босқичиданоқ илмий фаолиятга жалб этилади. Шу мақсадда олий таълим муассасаларида илмий-ижодий жамиятлар ҳамда ёш олимлар кенгашлари фаолият юритмоқда. Мазкур тузилмалар талаба ва тадқиқотчиларнинг ўз ташаббуслари билан ташкил этилиб, ёш илмий-педагогик кадрлар заҳирасини шакллантиришга ҳам хизмат қилади.

Олий таълим тизимида фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ҳам юқори

аҳамият касб этади. Зеро, фандаги муайян муаммо ечимига қаратилган тадқиқот амалий татбиғини топсагина жамиятга наф келтира олади. Бу эса таълим ёки илмий муассасанинг ишлаб чиқариш корхоналари билан инновацион-корпоратив ҳамкорлиги даражасига боғлиқ. Бундай ҳамкорлик асосида корхона ва ташкилотлар амалиётда дуч келаётган муаммоларни илмий жиҳатдан ҳал этишга эришадилар. Ўз навбатида, олий таълим тизимида тайёрланаётган илмий кадрлар салоҳиятидан тўғри фойдаланиш, уларни керакли ва долзарб тадқиқотларга йўналтириш имкони туғилади.

Инновацион-корпоратив ҳамкорлик мақсадида олий таълим муассасала-

ридаги айрим ихтисослик кафедралари қошида инновацион гуруҳлар тузилган. Ҳозир республика миқёсида уларнинг сони 1740 тага етди. Улар 3600 дан зиёд корхона билан хўжалик шартномаси асосида корпоратив ҳамкорлик қилиб келмоқда. Эътиборлиси, инновацион гуруҳларга ишлаб чиқариш соҳалари вакиллари ҳамда профессор-ўқитувчилар билан бир қаторда, катта илмий-ҳодим изланувчилар, мустақил тадқиқотчилар ҳамда талабалар ҳам жалб этилади. Матбуот анжуманида таъкидланганидек, айни кунда ушбу гуруҳлар томонидан бажарилаётган илмий буюртмаларда қарий етти минг нафар бакалавр ва магистр талабалар иштирок этапти. Охириги уч йил ичида эса давлат грантлари асосидаги фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларда, шунингдек, хўжалик шартномалари бўйича олиб борилган тадқиқотларда иштирок этган талаба ва магистрантлар сони икки баравардан зиёдга ошган бўлса, мустақил изланувчилар 508 нафар, катта илмий ҳодим-изланувчилар 227 на-

фарга етди.

— Фан ва ишлаб чиқариш ўртасида инновацион-корпоратив ҳамкорликни ривожлантириб борилиши, натижаларнинг бевосита ўқув жараёнида татбиқ этилиши олий таълим сифатининг яна бир поғонага ошишида муҳим омил бўлмоқда, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Ботир Усмонов. — Ўтган йилдан бошлаб мамлакатимизда фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий қилинди. Шунингдек, олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар ихтисосликлари халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда оптималлаштирилиб, 459 тадан 286 тага туширилди. Вазирлик тасарруфидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 161 та ихтисослик бўйича катта илмий ходим-изланувчи институти очилди.

Матбуот анжумани давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Наргиза БАҲОДИРОВА**

# КИТОБНИ ДЎСТ ТУТГАН ҚИЗ

**Бирор хушхабар эшитганингизда ёки ютуққа эришганингизда, севинчингиз ичингизга сиғмай турганда нима қиласиз? Албатта, бунни кўнглингизга яқин инсонларингизга билдириб қўйингиз келади. Дарҳол қўл телефонингизни олиб, энг севимли кишиларингизга бир-бир қўнғироқ қиласиз. Ёки аксинча: эшитган бўлсалар, ўзлари сиз билан «алоқага чиқадилар». Шундай ҳолларда табриклаётган кишига ҳам, табрик қабул қилаётганга ҳам ҳавасимиз келади.**

Ўзбекистонлик қайси бир тенгдошим, укам-синглим, акам ёки опамнинг ютуғини эшитсам, қувонаман. Қорақалпоғистонлик Айжамал Жолдасбаеванинг Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлгани ҳақида ўқидим-у, унинг шодлигига шерик бўлай деб, кўнғироқ қилдим.

— Раҳмат, опа, — деди у, овози ҳаяжондан бўлса керак, титраб. — Кўксимда ярқираб турса ҳам, ҳануз мукофот олганимга ишоналмаяпман. Бу Президентимизнинг ўз олдига катта мақсадлар қўйган мен сингари ёшларга кўрсатган чексиз ғамхўрлиги. Бу мукофот, гўё, она қизларим, фарзандларим, чиққан йўлингиз ёруғ бўлсин, орзу-мақсадларингиз сари дадил одимланг, ортингизда мен бор, бунёдкор халқимиз бор, ғамхўр давлатимиз бор, дея Юртбошимизнинг бизга берган оқ йўлларига ўхшайди. Ҳозирданок бунинг масъулиятини ҳис этаяпман...

Сўзларини тингларканман, унинг шу тобдаги қиёфасини кўз олдимга келтирдим. Юзларидан қатъият, гурур, ўзига бўлган ишонч ёғилиб турибди. Кўзлари юксак парвозларга

шайланган лочин кўзларидек порлаган, юраги юртга муҳаббат, унга хизмат қилиш истаги билан урмоқда!..

Айжамал Тахтақўпир туманида ўсиб-улғайди. Дилкаш, оқкўнгил одамларнинг тарбиясини олиб, моларнинг суҳбатини гоҳ ошкор, гоҳ пинҳона тинглади. Чанг кўчаларда оёқяланг югуриб, табиат мўжизаларини кўрди. Табиийки, гўзал табиат уни ўзи ҳақда ажойиб таърифлар битишга ундади, қалбида бадииятга меҳр уйғонди. Ўшанда у тумандаги 13-мактабнинг 5-синфида ўқиётганди...

— Бир куни отам қорақалпоқ адаби Тўлепберган Қайипбергеновнинг бир асари тўғрисида гапириб берди, — дея кундалигининг илк саҳифасини варақлади Айжамал. — Қизиқиб қолиб, уни ўқиб чиқдим-у, шу азим юрт қизи эканимдан фахрланиб кетдим. Бу таассурот менга қалам тутқазди. Бир нималар ёзгим келиб қолди. Энди билсам, бу менинг адабиётга, шеърятга бўлган илк ҳавасим экан.

Айжамал ўшанда юраги минг бир тўлқинланиб, «Халқим» деган шеър ёзган эди. Уйдагиларига ўқиб берга-



нида, адабиётни унча-мунча тушунадиган отаси ёш қизалоқнинг уринишларини олқишлаган, севинчидан кўзига ёш олган эди.

— Шу-шу, отам менга дoston, эртаклар айтиб беришни канда қилмади. Шу тариқа адабиётга боғланиб қолдим.

Вақт ўтиб, унинг «Бўрчи тоғ бағридаги болалик», «Ширин хаёллар» китоблари чоп этилди. Шеърлари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Китоб дунёси», «Tong yulduzi», «Jetkinshek» газеталарида чиқди.

Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицейда ўқиётган Айжамал бу даргоҳда Мақсет Палвониязов, Гулайим Алламбергенова каби муаллимлардан сабоқ олмоқда. Стол тенниси билан ҳам шуғулланади, инглиз тилини ўрганади. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши қошидаги «Ёш тарғиботчилар» тўғрагида фаол қатнашади.

— Уйда кичкина кутубхонам бор. Китоб жавонимга ўзбек, қорақалпоқ ва жаҳон адабиёти дурдоналарини териб қўйганман, — дейди Айжамал фахр билан.

— Еттинчи синфда ўқирдим, — дея давом этади Айжамал жилмайганча. — Бир куни тоғамни кига бордим. У ерда муқоваси чиройли «Қорақалпоқ эртаклари» китобини кўриб қолдим. Тоғам китобни яхши кўрарди. Эртакларни мириқиб ўқиб чиқдим. Қайтишда «китобни сўрамай олганинг айби йўқ», дея пальтомга яшириб, олиб кетдим. Орадан икки ой ўтиб, тоғам уйимизга келганида, тоқчадаги китобини кўриб ҳайрон бўлди. Шунда китобини сўрамай олганим учун уялдим, тоғамдан кечирим сўрадим. Бундан кейин китобларни сўраб оладиган бўлдим.

Чиндан ҳам у китобга ошно, адабиётга ташна қиз. Келгусида шу юрт, шу адабиёт, одамлар учун меҳнат қилиб, яхши шеърлар ёзишни хоҳлайди. Бир сўз билан айтганда, у она Ватанга муносиб фарзанд бўлишни дилига туккан.

**Кумар БЕГНИЯЗОВА,**  
«Turkiston» мухбири

## Ajdodlarga ehtirom

# НОАНЪАНАВИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

**Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежида «Амир Темури — фахримиз, гуруримиз» мавзuida конференция бўлиб ўтди. Соҳибқирон таваллудининг 678 йиллигига бағишланган мазкур тадбирни ўқувчилар ўзига хос, ноанъанавий тарзда ташкил этдилар. Анжумани бошқарган ҳам, моҳир нотик сифатида маъруза қилиб, аудиториянинг саволларига жавоб берган ҳам ўзлари бўлишди.**

Конференция талабларига кўра, ўқувчилар тайёрлаган маърузалар нафақат мавзу ва мазмуни, балки илмий асослангани билан ҳам иштирокчиларга манзур бўлди. Ёшлар Амир Темурнинг юксак маънавият соҳиби, илм-фан ҳомийси, буюк давлат арбоби экани, унинг ўзбек давлатчилиги ҳамда маданияти ривожига қўшган ҳиссаси, шунингдек, мустақиллик йилларида бобомиз хотирасини тиклаш бўйича қилинган ишлар хусусида гапириб ўтишди. Танланган мавзуларнинг ҳар бири доира-сида ёш нотиклар тингловчиларга кўплаб қизиқарли маълумотларни етаказишди. Масалан, коллежнинг 1-курс ўқувчиси Хуршид Йўлдошев «Тошкент тарихида Амир Темурнинг тутган ўрни» мавзuida сўз юритиб, Соҳибқирон ҳукмронлиги

даврида Тошкент обод этилиб, бобомиз шаҳарда бир қатор каналлар ва бошқа иншоотлар қурдирганини таъкидлади. У ўз нутқини инглиз тилида содда ва раvon баён этигани билан ҳам барчанинг эътиборини қозонди.

— Бундай ноанъанавий конференция коллежимизда биринчи мартаба ўтказилиши, — дейди Хуршид Йўлдошев. — Ташаббусни устозимиз, тарих фанлари номзоди, доцент Султонхўжа Арипходжаев кўрсатди. Икки ҳафта тайёрландик. Турли манбалар асосида Амир Темур шахси ва ҳаёти, давлат бошқаруви соҳасидаги фаолиятига доир қимматли маълумотларни тўплаб, таҳлил қилдик. Хорижий тилларни ўрганишга қизиққанам боис, бугун инглиз тилида маъруза қилдим. Очиғи, жуда

ҳаяжонландим. Кўпчиликнинг олдида сўзлашнинг ўзи бўлмас экан. Шунга қарамай, тажрибам ошди. Қайси касбни танламасин, нотиклик маҳорати ҳар бир кишига зарур, деб ўйлайман.

Маърузалар ўз ниҳоясига етгач, навбат саволларга берилди. Маърузачи тенгдошларининг чиқишларини диққат билан кузатиб борган залдаги ўқувчилар орасида ҳам мулоҳаза билдирувчилар топилди. Узаро мулоқот тадбирининг янада жонли ўтишига хизмат қилди.

— Истиқлол шарофати билан аждодларимиз хотираси тикланиб, улар ҳақида бор ҳақиқатни айтиш имкони туғилди, — деди ўқувчиларни табриклаш учун сўзга чиққан Тошкент темир йўл транспорти коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Баҳром Жуманиёзов. — Амир Темурни бутун дунё танийди. Францияда унга ҳайкал ўрнатилгани ҳам бобомизга кўрсатилган юксак ҳурмат ва эҳтиром намунаси. Сиз, ёшлар ана шундай буюк зотларнинг муносиб ворислари бўлишга ҳаракат қилмоғингиз даркор.

Конференция сўнгида фаол ўқувчилар турли номинациялар бўйича тақдирланди. Уларга «Камолот» ЁИХ Миробод тумани кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

**Наргиза УМАРОВА,**  
«Turkiston» мухбири

## Bolalar sporti

**2005 йили Яккабоғ туманидаги Эски Яккабоғ кўрғончасида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси буюртмаси бўйича замонавий спорт мажмуаси бунёд этилган эди. Мажмуа жамғарма томонидан спорт жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган.**

# КИЧИК ЧЕМПИОНЛАР

— Мажмуамиз ишга тушган йилиёқ бу ерда беш юз нафардан ортиқ ўғил-қиз спорт билан шуғуллана бошлади. Утган йили 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабига айлантилди, — дейди ушбу таълим муассасаси директори Ўткир Муҳаммадиев.

Спорт мактабида волейбол, баскетбол, таэквондо (ВТФ), футбол, бокс, стол тенниси, бадиий гимнастика, енгил атлетика, миллий кураш тўғраклари ташкил этилган. Уларда 980 нафар ўғил-қизга 19 нафар мураббий сабоқ бериб келаётир.

— Болалар ва ўсмирлар ўртасида спортни оммалаштириш, иқтидорли спортчиларни кашф этиш мақсадида, Соғлом бола йили муносабати билан жорий йил бошиданоқ тегишли режа ва дастурлар ишлаб чиқдик, — давом этади Ўткир Муҳаммадиев. — Шу асосда фарзандларимизнинг соғлом, баркамол бўлиб улғайишлари учун ҳаракат қилаёпмиз.

Айни пайтда 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби атрофидаги «Чинорли», «Мустақиллик», «Ибн Сино», «Ол-мазор», «Эдилбек», «Нимтўда», «Гулистон» маҳаллалари болалари ҳам дарсдан бўш вақтида спорт билан шуғулланишади. Санжар Ҳамроев, Дилбар Холматова, Муниса Хуррамова каби тажрибали мураббийлар машғулот олиб борадиган таэквондо, бадиий гимнастика, стол тенниси тўғраклари болаларнинг қизиқишлари ортомқда.

Ишонамизки, келажақда бу спорт мактабидан жаҳон ва Олимпиада чемпионлари етишиб чиқади.

**Шавкат КАРОМОВ,**  
«Turkiston» мухбири



# МАЪНАВИЯТГА ТАҲДИД — КЕЛАЖАККА ТАҲДИД

*Бугунги Ўзбекистон ёшлари мустақиллик йиллари туғилиб, замонавий билимларни эгаллаш, жисмоний ва маънавий камолга етиш учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлган юртда, давлатнинг доимий ғамхўрлиги остида улғайишмоқда. Негаки, мамлакатимизнинг келажаги униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳаётга қандай билим ва малакалар, маънавий-ахлоқий сифатлар билан қадам қўяётганига боғлиқ. Бироқ шахснинг кенг дунёқараш ва юксак маънавиятли бўлиб шаклланиши турли тўсиқлардан холи бўлмаган, мураккаб бир йўлдир.*

Ҳозирги ахборот макони глобаллашган ҳамда замонавий ахборот технологиялари ва воситалари юксак даражада тараққий этган бир даврда кишилар, биринчи навбатда ёшлар онгини вайронкор ғоялардан ҳимоялаш янгича мазмун касб этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори шундай эзгу мақсадларга — ёшлар онгини «оммавий маданият»нинг зарарли таъсиридан сақлаш, уларнинг дунёқарашини кенгайтиришга мўлжалланган лойиҳаларни амалга ошириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга йўналтирилган.

CD ва DVD дисклар ҳам ёшлар тарбиясига таҳдид солувчи қуролга айланиши мумкин. Маълумки, бадий, мультипликацион ва ҳужжатли фильмлар, турли хил мусиқа ва ўйинлар ёзилган дискларни бугун ҳар бир хонадонда учратамиз. Афсуски, биз ҳар доим ҳам уларни болалар эшитиши ёки томоша қилиши мумкинми ё йўқлигига эътибор қаратавермаймиз, ёшларига мос ёки мос

эмаслигига аҳамият бермаймиз. Баъзан ота-оналарнинг ўзлари болаларига турли хил бадий ёки мультипликацион фильмлар ёзилган дискларни мазмундан мутлақо беҳабар ҳолда, инсонга қандай маънавий озиқ бериши мумкинлиги билан қизиқмасдан бериб қўйиб, «Ўзинг билан ўзинг овора бўлиб, менга халақит бермасанг бўлди» қабилида иш тутадилар. Ерқин этикеткалари билан ажралиб турадиган бундай дискларни мазмун-мундарижаси жиҳатдан эзгу ғояларга хизмат қилади, деб бўлмайди.

Бугунги кунда CD ва DVD-дискларга «жойланган» маҳсулотлар орасида эротик ва порнографик мазмунга эга «асар»лар ҳам кам эмас. Одатда, бундай дискларни виждонсиз сотувчилар яширинча, кўздан пана жойларда сақлашади ҳамда «талабга кўра» сотишади. Сурбетроқлари эса растага очикчасига қўйиб қўйишдан ҳам тап тортайдилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари пайдо бўлганида эса, дарҳол бекитишга уринадилар.

Мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари маълумотларига кўра, сўнгги йилларда зўравонлик ва порнография элементлари мавжуд

бўлган фильмлар ва компьютер ўйинлари билан ноқонуний савдо-сотиқ қилиш билан боғлиқ 3500дан ортиқ ҳолат аниқланган. Ўтказилган экспертиза хулосаларига кўра, сотилган маҳсулотлар мазмуни ва мафкуравий мақсад-муддаосига кўра икки турга бўлинади: порнография ва ахлоқсизликни тарғиб этувчи дисклар ҳамда зўравонлик, ваҳшийлик ва «оммавий маданият» элементларини акс эттирувчи дисклар.

Масалан, Тошкент шаҳри Ҳамза туманидаги ихтисослашган «Янгиобод» МЧЖ бозорида ўтказилган рейдлар натижасида фақатгина 2013 йил давомида 233 сотувчи дискларнинг ноқонуний савдоси билан шуғулланаётгани аниқланган. Д.Қамолдидинов, Ф.Мелибоев, Р.Норқўзиев, З.Абдуллаев, Р.Дехқонов ва бошқалар шулар жумласидандир. Умуман, бундай шахслар фаолияти билан боғлиқ 30 дан ортиқ жиноий иш қўзғатилган. Энг ачинарлиси, жиноий ишга икки нафари вояга етмаган бола — У.Олимхўжаев ва Р.Раимқуллов ҳам аралашиб қолган. Улар тегишли қарор қабул қилиш учун вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясига жўнатилган.

Порнографик дискларни тайёрлаб, «Янгиобод» бозорида сотиш билан шуғулланганлар орасида Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида истиқомат қиладиган Абдухайит Азаматов ва пойтахтимизнинг Ҳамза туманида яшайдиган Миртолиб Хўжаев шахси эътиборни тортади. Иккаласи ҳам бир неча маротаба судланган бўлиб, эҳтимол, шунинг учун ҳам ёшларидоғи фарқ анча бўлишига қарамасдан тезда тил топишган.

40 ёшли А.Азаматов илқбор 2005 йили ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари эътиборига бир «даста» айблар билан тушган эди — йирик миқдордаги наркотик моддаларни ноқонуний сақлаш ва истеъмол қилиш, қасддан енгил тан жароҳати етказиш, фирибгарлик. Бу «хизмат»лари учун у 5 йилу 6 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилиниб, кейинчалик жазо 2,5 йиллик ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилган. Жазо муддатини ўтаб бўлганидан сўнг А.Азаматовнинг рисоладагидек турмуш кечириши узоққа чўзилмади. 2009 йили у яна судланувчилар курсисига ўтирди — порнографик маҳсулотларни тайёрлаш ва сотиш айби билан. Шундан кейин ҳам тегишлича хулоса чиқара олмади. Аксинча, йирик «бизнес» билан шуғулланишга — «Янгиобод» бозорида «18+» белгили фильмлар савдосида монополистга айланишга аҳд қилди.

Бу мақсадга эришишида биографияси ўзиникига ўхшаш Миртолиб Хўжаев ёрдам берди. М.Хўжаев ҳам судланган, бироқ Жиноят кодексининг бошқа моддалари билан: 2007 йили — талончилик ва фирибгарлик учун, 2009 йили эса — порнографик маҳсулотларни тайёрлагани ва сотганлиги учун. Унинг ёш эканлиги, айбига чин дилдан иқрор бўлганлиги ва гуноҳидан ўтишни сўраб ёлворгани судда ҳукм чиқариш чоғи ҳисобга олинди. Йигитча аввал катта миқдордаги жаримага тортилди, сўнгра ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилди, кейин эса амнистияга тушди, аммо бу ҳам унинг тегишли хулоса чиқариб, ҳаётда тўғри йўлни танлаб олишига ёрдам бермади. М.Хўжаев порнографик маҳсулотларнинг қизгин

олди-сотдисини таъминлаш ва рақобатчиларнинг қовушини тўғрилаб қўйишда А.Азаматовнинг «энг ишонган киши»сига айланди...

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг саъй-ҳаракатларига қарамасдан «Янгиобод» бозори ва пойтахтимизнинг яна бир қатор савдо-рас-таларида шубҳали хусусиятга эга дисклар савдоси давом этмоқда. Энг ачинарлиси, бундай савдода ёшлар ҳам иштирок этишмоқда. Шу аснода табиий саволлар туғилади: наҳотки, бу ёшларнинг ота-оналари фарзандлари нима билан машғуллиги ва улар қандай маҳсулотларни сотаётганлиги билан асло қизиқишмайди? Бундай бозор ва савдо нуқталари раҳбарлари қаёққа қарашаяпти? Наҳотки, моддий манфаат учун халқимиз менталитетига, анъана ва урф-одатларига, турмуш тарзи, маънавий қадриятларига зид маҳсулотларни тайёрлаш, сотишдан ор қилмайдилар?

Таъкидлаш жоизки, жамиятнинг маънавий асосларига таҳдид соладиган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни ошириш мақсадида 2012 йилнинг 12 апрелида Жиноят кодексининг 130-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, энди нафақат порнографик маҳсулотларни тайёрлагани ва тарқатгани учун, балки уларни олиб юриш, реклама қилиш ва намойиш этганлик учун ҳам жавобгарлик кўзда тутилган. Бу мамлакатимизда мазкур турдаги жиноятларга қарши фаол кураш олиб борилаётганидан далолат беради. Ушбу жараёнга ҳар биримиз бефарқ бўлмаслигимиз лозимлигини унутмайлик. Ахлоқсизликни, зўравонликни тарғиб этувчи бундай фильмлар инсонлар, айниқса, ёшлар маънавий оламига зарарли таъсир кўрсатади, жисмоний ривожланишига соя солади, оила-лардаги соғлом муҳитга зиён етказиши.

Ринат САИДОВ



## ЮРАКДАН ЖОЙ ОЛГАН САТРАЛАР

Адабиёт байрамида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Иқбол Мирзо, таниқли болалар шоири Турсунбой Адашбоев, дилбар ижодкор, Муҳаммад Юсуфнинг рафикаси Назира ас-Салом каби таниқли устозлар, шунингдек, фарғоналик ижодкорлар, ёш қаламкашлар, шоирнинг мухлислари жам бўлдилар.

Увайсий уй-музейида меҳмонлар ўзбекна эҳтиром билан кутиб олинди.

Кечани Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Энахон Сиддиқова олиб борди. Муҳаммад Юсуфнинг пок ва барҳаёт ёди, ўлмас ижоди, халқимизнинг юрак-юрагидан жой олган самимий ва рост шеърлари ҳақида илиқ сўзлар айтилди. Шундан сўнг Марғилонда фаолият олиб борадиган «Жаҳон отин Увайсий» адабий тўрагаги аъзоларининг Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишланган шеърлари тингланди.

Адабиёт байрами Марғилон педагогика коллежининг тантаналар залида ташкил этилган мусиқали-бадий кеча билан давом этди.

Адабиёт байрами доирасида ёш ижодкорларнинг анъанавий «Марғилон мушоираси»

кўрик-танлови ўтказилди. Танловда ёшларнинг назм, наср ва бадий таржима йўналишларидаги иқтидорлари устозлар синовидан ўтди.

Кўрик-танловда Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларидан келган ёшларнинг бадий ижодга қизиқиши, ижодий тафаккур эта олиш қобилияти тўла намоян бўлди.

— Бу йилги танлов ҳам ёшларнинг ижодида катта ўсиш борлигини, уларнинг адабиётимизга, айниқса, шеърятга бўлган иштиёқлари янада ошганлигини кўрсатди, — дейди кўрик-танловнинг назм йўналиши ҳайъат раиси, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо. — Ўзининг Ватан ҳақида шеърини дилдан ўқийётган, шеърятга янги ташбеҳлар олиб кираётган, ижодда ўз сўзини айтишга интилаётган ёшларнинг тимсолида ўзбек адабиётининг эртанги қиёфаларини кўриш мумкин.

Айтиш мумкинки, «Марғилон мушоираси» минтақавий кўрик-танлови ёш истеъодларни кашф этишда ва уларни муносиб рағбатлантиришда давом этмоқда.

Дилнавоз ҚҮЛДОШЕВА

Фарғонада Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган адабиёт байрами ўтказилди. Азим Қўқон шаҳрида бошланган адабий-бадий кечалар кўҳна ва ҳамшиша навқирон Марғилон шаҳридаги Увайсий уй-музейида давом этди.

■ Muhammad Yusuf tavalludining 60 yilligiga ■

# ОТГА МЕҲРИ БЎЛАКЧА

От — инсонга бўлган ўзгача меҳри, вафо ва садоқати билан ажралиб турувчи жонивордир. Сўз санъатида унинг ақли ўткирлиги, адолат ва ҳақиқат жарчиси эканлигини ифодаловчи саноксиз асарлар битилган. Уни шоирларимиз образ сифатида танлашлари, тасвирлашларининг бир неча сабаблари бор. Шулардан бири отнинг ўз эгасига садоқати, уни ҳар қандай хавф-хатардан ҳимоя қилишидир.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф шеърларида от турли муносабат билан ижодкорнинг у ёки бу ғоясини юзага чиқариш учун қаламга олинади. Шоир гоҳо отга энг яқин кишига гапирётгандек, унга ўз дард ва армонларини тўкиб солаётгандек, суянч ва дармон манбаидек мурожаат қилади. Шоирнинг «Оқ тулпор» шеъри халқимиз орасида анча машхур. Унда лирик қаҳрамоннинг отга меҳр-мухаббати гоҳо севикли маҳбубасига бўлган мухаббатдан устун келиб қолиши жуда гўзал тасвирланган. Бунда муболагага йўл қўйилгани шубҳасиз. Бироқ баъзи чавандозларнинг ўз ҳаётини отсиз тасаввур қилолмаслиги ҳам ҳақиқат. Отга меҳри баланд одам ўзи оч қолса қоладики, лекин отини ҳеч қачон оч қўймайди. Хўш, бунда қандай ҳаётий асос бор? Нега от инсон учун бу қадар қадри?

От, аввало, халқ эртақларида бош қаҳрамонларнинг яқин дўсти, содиқ ҳамроҳидир. У инсонни қанот қоқиб манзилга етказадиган, турли тўсиқлардан эҳтиётлаб олиб ўтадиган жонивор сифатида кўзга ташланади. Отнинг одам авлоди учун ғоят яқин, ишончли дўст бўлиши ҳақида ёзма адабиётда ҳам саноксиз асарлар бор. Негаки, от ўзга ҳайвонларда учрамайдиган талай хусусиятларга эга. У эгасига ё эгасининг хонадонига, шунингдек, ўзига хавф солиб турган хатарни олдиндан сезади ва бундан эгасини ўз вақтида огоҳлантиради.

Халқда отнинг фариштаси бўлади, деган қараш бор. Масалан, отнинг ёлини қизларнинг сочи каби ўриб қўйсангиз, эрталабгача ўз ҳолига келиб қолар экан. Буни унинг фариштаси тўғрилаб қўяди, дейди болаларимиз.

Фольклоршунос олим Исомиддин Ёрматов «Саодат водийси» китобида юқоридаги каби далиллар қаторида мана буларни ҳам қайд этган: «Халқимизда отнинг фариштаси бўлади, оти бор уйдан кут-барака аримайди, деган тушунчалар мавжуд. Илгари от сотиб олишга қурби етмаган оилалар отнинг фаришталари айланиб турсин, деган яхши ният билан қозик қоқиб, унга от боғланган арқонни ташлаб қўйишган.

Юртимизнинг баъзи вилоятларида суннат тўйи бўладиган болаларга тоғалари той совға қилади. Бундан асосий мақсад болада отга бўлган мухаббат ёшлигидан пайдо бўлишига интилишдир. Ҳозирги ўзбек адабиётининг кекса авлодга мансуб шоирлари ижодида отга бағишланган махсус асарлар бор. Уларда ҳам отнинг турли сифат-фазилятлари урғу берилади. Улар орасида Муҳаммад Юсуфнинг боя тилга олинган «Оқ тулпор» асари ўзига хос оҳанги ва мазмуни билан алоҳида диққатга молик. Асарда от фаол иштирок этмайди. Бироқ лирик қаҳрамоннинг отга муносабати воситасида отнинг инсонга яқин

дўст, ишончли ҳамроҳ эканлигига урғу берилади:

От олдида бошланди,  
Чимилдиққа йўлакча.  
Кечир ёрим, на қилай,  
Отга меҳрим бўлакча.

Қолдим икки ўт аро,  
Гўшангада — дилдорим.  
Келин келган кечадан  
Аразлади тулпорим.

Бу сатрлар отнинг ўз эгасини яхши маънода қизганиши, «рашқ қилиши» ва чин вафодорлик хусусиятига далил бўла олади. Шеър давомида яна шуларни ҳам ўқишимиз мумкин:

Қизни ўпсам, от йиғлар,  
Отни ўпсам, қиз йиғлар.

Бу ерда шоир лирик қаҳрамон мисолида отга меҳр боғлаган кишиларни, чавандозларнинг шахсий характери ва отга бўлган садоқатини ифода этган.

Муҳаммад Юсуф ижодида отнинг турфа фазилатлари лирик қаҳрамоннинг турли руҳий ҳолати билан боғлиқликда бадиий талқин этилади. От образи шоир қаламида фольклорга хос анъанавий сифатлардан айрича қиёфаларда тасвирланади.

Мазкур шеър асосида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримов яхши қўшиқ ижро этган. Қўшиқнинг халқимизга, айниқса ёшларга манзур бўлишининг асосий сабаби бирламчи асос — шеърга бориб тақалади. Санъаткор яратган куй ҳам, ижро ҳам ниҳоятда мароқлидир.

**Абдурахмон ПИРИМҚУЛОВ,**  
филология фанлари номзоди

■ Ta'lim taraqqiyoti ■

## БУГУННИНГ ТАЛАБИ

ўқитувчилар зиммасига улкан масъулият юклайди

Ўқитувчилик касби ўз соҳибидан турли соҳалар бўйича билимли, истеъдодли бўлишни талаб этади. Масалан, қайси фандан дарс бермасин, педагог инсон руҳиятини яхши биладиган, одамлар кўнглига йўл топа оладиган бўлиши шарт. Агар вақти келиб, унга жамоага раҳбарлик қилиш вазифаси юкланса, масъулияти икки ҳисса ошади. Энди у ўқувчилар билангина эмас, ўзининг ҳамкасблари билан ҳам ишлашига тўғри келади.

Содиқ Тошбоев, Гулмира Рўзиева, Матлуба Ҳожибоева, Бахтиёр Тошбоев, Шахло Холмуродова сингари илғор педагоглар меҳнати кўпчилик учун ибратлидир.

Мақтабда физика, кимё, биология фанлари бўйича ўқув-лаборатория хоналари тўлиқ жиҳозланган. Информатика хонасига 14 та замонавий компьютер жиҳозлари ўрнатилган. Барча фанлар бўйича электрон

нинг вилоят босқичида голиб чиқиб, республика босқичига йўлланма олди. 5-синф ўқувчиси Мухтасар Каримова ёш суҳандонлар танловида фаол иштирок этиб, республика босқичида қатнашадиган бўлди. Умуман олганда, мактабда иқтидорли болалар кўп. Фақат улар билан кўпроқ ишлаш, тарбиялаш зарур. Бу борада ўқитувчиларнинг тинимсиз изланишлари, маҳорат сабоқлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири ўқувчиларга чет тилини изчил ва мукамал ўргатиб боришдан иборатдир, — дейди биз билан суҳбатда Содиқ Тошбоев. — Ана шу мақсадлар йўлида иккита инглиз тили хонаси ташкил этганмиз. Ушбу хоналарга зарур жиҳозлар ўрнатилиб, барча шароитлар муҳайё қилинган.

Мақтабда «Ораста қизлар» тўрагаги ташкил этилган. Унинг аъзолари турли танловларда фаол иштирок этиб келмоқда. Туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг филиали ҳам айнан шу мактабда ташкил этилган бўлиб, мактаб ўқувчилари қўл тўпи бўйича машгулотларда мунтазам қатнашадилар. Умуман олганда эса, мактабда яхшигина футбол, волейбол, қўл тўпи майдонлари, югуриш йўлакчалари мавжуд бўлиб, доимо спортсеварлар билан гавжум.

**Ашурали БОЙМУРОД,**  
«Turkiston» мухбири



ҳам келажакка ишонч туйғуси кучли. Ана шу ишонч уларни ўқиш-изланишга, меҳнат қилишга рағбатлантираётир.

Мақтабда 169 нафар ўқувчига йигирма тўрт нафар ўқитувчи дарс ўтади.

дарсликлар тайёрланган. Яратилган имкониятлар ўқувчиларни янада кўпроқ ўқишга илҳомлантирмоқда. 8-синф ўқувчиси Уйғун Зубайдуллаев иқтисодий билим асослари фани бўйича «Билимлар беллашуви»-



## ЭНГ ҚИММАТ ПИЁЛА

Гонконгда бўлиб ўтган аукционда Мин сулоласига мансуб чинни «товуқ-пиёла» 281,2 миллион Гонконг доллари (36,3 миллион АҚШ доллари)га сотилди.

Бу билан у дунёдаги энг қиммат Хитой идишига айланди. Аввалги рекорд ҳам айнан шу мамлакатга тегишли бўлиб, атиргулли Хитой чинни вазаси 252,7 миллион Гонконг долларига сотилиб, рекорд ўрнатган эди. Ченгхуа даврига оид чинни идишлар ўзининг бежирим ишлангани билан машхур. Қимматбаҳо пиёлага товуқ ва хўроз тасвири туширилгани учун у «товуқ-пиёла» деб аталади. Ҳозиргача бу пиёлалардан дунё бўйича бор-йўғи 19 таси қолган, уларнинг 15 таси музейда сақланади.

## Яшиннинг зарари

Чилидаги Лос-Риос вилоятида яшин уриши натижасида сигирлар подаси ҳалок бўлди.

Ранчодаги кучли жала вақтида жониворлар дарахт остига яширинган, бироқ дарахтни яшин урган. Натижада, 54 та сигир ўлди. Қишлоқдаги яна бир фермада яшин уриши натижасида тўққизта сигир ўлган. Жониворлар ҳаддан ташқари куйиб кетган. Умумий ҳисобда, табиий офат мамлакатга юз минг АҚШ доллари миқдорида зарар келтирган. Ҳозиргача Чилида бундай фалокат кузатилмаган эди.

## Япон чойхонаси

Японияда энг чиройли гуллайдиган дарахт сифатида эътироф этиладиган сакура дарахтининг шоҳлари ичида чойхона қурилди.

Архитектор Терунобу Фужимори Сакура ташаббуси билан бунёд этилган чойхона дарахт гуллаши қисқа бўлгани учун дархол фаолиятини бошлади. Архитекторнинг айтишича, иккита поя устида қурилган чойхона зилзила ва шамолга бардошли. Чойхонага бир вақтнинг ўзида олти-саккиз киши сиғади. Гуллаётган дарахт ичида турган «уйча»га фақат табиий қурилиш материаллари ишлатилган.

## Келажак самолётлари

Швейцарияда «Solar Impulse» (Қуёш импульси) лойиҳаси асосида қуёш энергиясидан фойдаланадиган самолёт яратилди ва у келаси йилда ёниғисиз парвоз қилади.

Самолёт тақдироти Швейцариянинг тоғли Пайерн шаҳарчасидаги ҳарбий аэродромда бўлиб ўтди. Кўриниши одатий самолётдан биров фарқ қилган ҳаво лайнерининг ҳар бир қаноти узунлиги 72 метрдан. Бу энг катта А380 аэробуси қанотларидан етти метр кичик. Самолётнинг энергия самарадорлиги оширилган. Янги самолётдаги учувчи кабинаси шароити ҳам анча яхшилانган, салонда эса бизнес-класс самолётларидаги каби юмшоқ ўриндиқлар ўрнатилган.

**Интернет манбалари асосида**  
**Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

